

«Қалбингиз ўлган»



08:00 / 21.04.2019 4258

Бир куни Иброҳим ибн Адҳам раҳматуллоҳи алайҳ Басра бозоридан ўтиб қолди. Одамлар унинг атрофида тўпланиб, «Эй Абу Исҳоқ, биз дуо қиляпмиз, нега дуола-римиз ижобат бўлмапти?» деб сўрашди. Иброҳим шундай деди: «Қуйидаги ўнта нарса туфайли қалбингиз ўлган:

1. Аллоҳни танийсиз, аммо Унинг ҳаққини адо қилмайсиз.
2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрамиз, деб даъво қиласиз, аммо у зотнинг суннатларини тарк этасиз.
3. Қуръонни ўқийсиз, аммо амал қилмайсиз.
4. Аллоҳнинг неъматларини ейсиз, аммо шукрини адо қилмайсиз.
5. Шайтонни душманим дейсиз, аммо у билан муроа қилаверасиз.
6. Жаннатни ҳақ деб биласиз, аммо унга кириш учун солиҳ амал қилмайсиз.
7. Дўзахни ҳақ дейсиз, аммо ундан қочмайсиз.
8. Ўлим ҳақ дейсиз, аммо унга тайёргарлик кўрмайсиз.
9. Бошқаларнинг айби билан машғул бўлиб, ўз айбларингизни унутасиз.
10. Ўлганларни дафн қиласиз, аммо бундан ибрат олмайсиз».

Бу ҳақда шоирлар шундай дейишган:

Аллоҳга дуо қиламиз мусибат етганда,

Сўнгра Уни унутамиз ғамимиз кетганда.

Қандай умид қиламиз дуоларнинг қабулин?

Гуноҳлар-ла тўсдик-ку ахир ижобат йўлин!

«Солиҳлар гулшани» китобидан